

**АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДА МЕВА, УЗУМ,
САБЗАВОТ, КАРТОШКА
ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ
БЎЙИЧА**

Т А В С И Я

АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДА МЕВА, УЗУМ, САБЗАВОТ, КАРТОШКА ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА

Т А В С И Я

Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашда уни ишлаб чиқариш муҳим масала ҳисобланади.

Республика ҳукумати томонидан мевачилик сабзавотчилик, узумчилик, картошкачилик ва полизчиликни талаб даражада ривожлантиришга катта этибор қаратилиб, кўп ташкилий масалалар ҳал этилмоқда.

Маълумки республикамиз вилоятларидаги туманларда қишлоқ аҳолисининг томорқалари мавжуд бўлиб, ана шу томорқалардан кўшимча оила эҳтежларини тўлароқ кондириш мақсадида дала ҳовли хамда шахсий томорқаларда замонавий, биоинтенсив усуллардан фойдаланиб, сабзавот ва мевалардан юқори ҳосил олиш мумкин. Бу оила эҳтиежини тўлдириб, дастурхонининг бой бўлишида катта аҳамият касб этади.

Сабзавот ва меваларнинг оила дастурхонида доимий бўлиши, оила аъзоларининг жисмоний соғлом бўлишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга ортиқча маҳсулотини сотиш билан оила бюджетига кўшимча сармоя киритади.

Республикамиз вилоятларида жойлашган оилаларнинг томорқалари **0,03, 0,06, 0,10 га** ва ундан ҳам кўп бўлиб, ундан тавсияномада юқорида баён этилган томорқаларда қандай ва қайси муддатларда сабзавот, мева, узум ва картошка ўсимликларини экиш кўрсатиб ўтилади.

Республикамиз территорияси тупроқ-иқлим шароитига қараб, ҳудудларга бўлинган. Ана шу ҳудудларни ҳисобга олган ҳолда республикамизнинг дала томорқларига мева-узум ва сабзавотларнинг Давлат реестрига кирган навлари тавсия қилинади.

Республиканинг бўз тупроқли иқлим шароитидаги томорқаларда мевалилардан олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, узум турлари. Жанубий ҳудудларида анор, анжир, хурмо, олма, ўрик, олхўри, узумнинг хўраки ва кишмиш навлари, Фарғона водийси шағалли ерларда олма, нок, ўрик, шафтоли, олхўри, гилос, анор, хурмо хамда узумнинг хўраки навлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида олма, нок, ўрик, олхўри ва узумнинг хўраки навларини экиш тавсия этилади.

Томорқа майдони **0,03 га** бўлса, ушбу майдоннинг куеш тушадиган шарқдан жанубга қараган томонга мевали дарахтлардан **олманинг ўрта бўйли ўртанги ва кечки навларидан бир тупдан, **1 туп нок**, ундан кейинги қаторга **1 туп ўрик, 1 туп шафтоли, 1 туп гилос**, томорқанинг жануб томонига **2-3 туп хўраки ёки кишмиш узум навларини экиш тавсия қилинади.****

Томорқа майдони **0,06 га** бўлса, экиладиган мева турлари ва навлари икки баробар, агарда **0,01 га** бўлганда, уч баробар кўп кўчатларни жойлаштириш мумкин.

Республиканинг жанубий ҳудудларида томорқа майдонининг жанубий томонига анор, анжир, хурма дарахтлари, улардан кейин ўрта ўсувчи олма, нок, беҳи, уларнинг орқасига ўрик, шафтоли, гилос, олхўри, томорқанинг жанубий ғарбий томонига узумнинг хўраки ва кишмиш навларини экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жадвал 1.

**Турли тупроқ иқлим шароитидаги томорқаларда
мева дарахтини жойлаштириш**

Т у р л а р	Суғориладиган бўз тупроқ		Шағалли – кумлик тупроқ	
	Қатор ораси, м.	Кўчат ораси, м.	Қатор ораси, м.	Кўчат ораси, м.
Олма баланд бўйли (кучли пайвандтаг)	6	5	5	5
Олма (ўрта бўйли пайвандтаг)	5	4-5	5	4
Олма (паст бўйли пайвандтаг)	3,5	2.5-3	3,0	2,5
Нок баланд бўйли (кучли пайвандтаг)	6-5	5	6	4-5
Нок (паст бўйли)	3-3,5	2-2,5	-	-
Б е ҳ и	3	3	3	3
Ў р и к	6	5	4	4
Олхўри ва йирик мевали тоғолча	5-4	4-3	4	4
Шафтоли	5-4	3-4	4	3
Г и л о с	6	5	6-5	5
О л ч а	4	3-4	4	3
Х у р м о	5	4	5	4

Жадвал 2.

Ток тупларини жойлаштириш схемаси

Ўстириш тизими	Қаторлар орасидаги масофа, м	Қатордаги туплар орасидаги масофа, м	
Сизот сувлар чуқур жойлашган типик бўз тупроқни ерлардаги суғориладиган токзорлар			
Тип сўри	3	3	2,5

Ўстириш тизими	Қаторлар орасидаги масофа, м	Қатордаги туплар орасидаги масофа, м	
Қайирма сўри	3,5	2,5	2,0
Чучук сизот сувлар юза жойлашган ерлардаги суғориладиган токзорлар			
Тик симбағаз	3	3	2,5
Қайирма сўри	3,5-4,0	3,5	2,5
Шағалли ерлардаги суғориладиган токзорлар			
Тик сўри	3,0	2,0	1,5
Тоғ ва тоғолди туманлардаги шартли суғориладиган токзорлар			
Тик сўри	3	2,5	2,5
Қайирма сўри	3,5	2,5	2,0


Жадвал 3.

Мева ва узум кўчатларини экиш муддатлари

Мева турлари	Кўчат экиш муддатлари	
	Баҳор	Куз
Олма	20/П-1/1У	10/Х1-5/ХП
Нок	25/П-1/1У	10/Х1-30/ХП
Беҳи	25/П-10/1У	10/Х1-20/ХП
Ўрик	20/П-10/1У	1/1Х-30/Х1
Шафтоли	20/П-10/1У	1/Х1-30/Х1
Олхўри	20/П-10/1У	1/Х1-20/Х1
Гилос	20/П-11/У	10/Х1-20/Х1
Олча	20/П-15/1У	10/Х1-20/Х1
Хурмо	20/П-1/1У	
Анор	25/П-1У	
Анжир	25/П-1У	
Ёнғоқ		15/Х1-30/Х1
Бодом	25/П-1/1У	15/Х1-30/Х1
Ток		1/Х1-30/Х1 қишга кўмилади


Томорқа майдонида мева ва узум кўчатларини тахминий жойлаштириш

Томорқа майдони 0,03 га




- узум
- олма
- шафтоли
- гилос
- олхўри
- ўрик
- хурмо
- ёнғоқ

Томорқа майдони 0,06 га



- узум
- сабзавот
- олма
- шафтоли
- гилос, хурмо, олхўри
- ўрик, ёнғоқ

Томорқа майдони 0,10 га



Аҳоли томорқаларида кузда бажариладиган ишлар

Меваги ва ток кўчатлари асосан кузда экилгани маъқул. Томорқани экишга тайёрлашда аввало майдонни сув юришини ҳисобга олиб, яхши текисланади, сўнг ерга етарли миқдорда органик ўғит (гўнги, чиринди) **1 кв. м. 6-10 кг.** ҳисобидан, унга иложи борича фосфор **200-250 г.**, калий **100-120 г.** ва аммоний азот ўғитини **150-200 г.** ҳисобидан солиб, яхшилаб чуқур қилиб (25-30 см.) чопилади.

Бундан сўнг экиладиган экинларни жойлаштириш режаси тузилади. Бунда экиладиган меваларни ўсиш кучи ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилади.

Кўчат экиш

Кўчат экиладиган чуқурларни чуқурлиги ва кенглиги **60x60 см.** бўлиб, чуқур қазишда тупроқ устининг **20-25 см.** қисми чуқурнинг бир томонига олиб, чуқурнинг қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Чуқурга кўчат экишдан олдин **350-400 г.** фосфорли, **30-40 г.**, калий ўғити ҳамда **8-10 кг.** чиринган гўнгни тупроқ билан аралаштириб солиб, кейин кўчат экилади.

Кўчатни экишдан олдин алоҳида тайёрланган шатмоққа (янги мол гўнги тупроқ билан **1 : 1** қилиб қаймоқсимон қилиб тайёрланади), ботириб олиб экилади. Кўчат чуқурга қўйилиб, олдин олинган тупроқ чуқур тагига

солиниб, илдиз пайванд қилинган жойи тупроқдан **4-5 см.** юқорида бўлиши керак. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўла сув қуйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўккандан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади.

Кўчатларни парваришлаш

Экилган кўчатлар вегетация даврида кўчатларнинг атрофлари қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун юмшатиб турилади. Тупроқ шароитига қараб, **10-12** дан **16-20** мартагача сув берилади. Ҳар суғоришдан сўнг тупроқ юмшатилади. Зарурият бўлган вақтда ёш ниҳолларнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши ишлов берилади.

Янги экилган кўчатларни дастлабки даврида сув билан таъминлашга катта эътибор бериш зарур. Кўчатлар тўлиқ кўкариб кетиши учун кўчат атрофини айлана шаклида ариқ олиниб, ариқ тўлгунча сув қуйиш лозим ёки ариқ орқали суғорилса, кўчат атрофидан сувни айлангириб ўтказиб суғориш зарур. Об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб ёш боғларга йил давомида **12-20** маротабагача сув берилади. Кўчатлар атрофини қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун ҳар сувдан сўнг **10-12 см.** чуқурликда юмшатиб турилади.

Ёш боғларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиқ даражаси анча паст бўлади. Шунинг учун буларни олдини олиб ёки зарурият туғилган ҳолда кураш чораларини қўллаш зарур.

Шакл бериш

Ўзбекистон шароитида пакана пайвандтагда экилган интенсив боғларда кўчатларга **60 см.** юқоридан кесилиб, шакл берилади. Четдан келаётган кўчатларни веретино шаклида, яъни асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилинади, яъни шохлатилади. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохида штамби учун **50 см.** қолдирилиб, ундан юқорисига **8-10** кўз қолдирилиб, ундан сўнг яна шип 3 та кўз қолдирилиб, ортикчаси кесилади.

Келажакда етарли шохлаши учун **50 см.** танасидан юқорида жойлашган **3** кўз ойсимон шаклида (кўчат кўчатхонасида шохламаган бўлса) кўзни ўсиши қисмидан кербовка (кесиш) қилинади ва яна учта кўз ташлаб яна учта кўз тўғри чизим шаклида кербовка қилинади. Бу жараёни кўчат яхши ўса бошлаган даврида қилса яхши натижа беради. Шохланган шохлар июль-август ойларида **90°** эгилади ва боғланади. Ёш ўсган новдаларда мева куртакларини ҳосил қилиш мақсадида улар маълум вақтида чилпиб (чеканка қилиб) турилади. Бу усул мева куртакларини кўпроқ ҳосил бўлишини таъминлайди.

Ўғитлаш

Ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмида ҳар бир кўчат атрофига **100-120 г.**дан азотли ўғит солинади. Иккинчи марта июнь ойида шунча миқдорда яна азотли ўғит солинади.

Биринчи йили ёш кўчатлар қишга яхши тайёрланиши боис сентябрь ойининг иккинчи ярмидан суғориш тавсия этилмайди.

Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда кўчатларнинг катор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади.

Кузда ноябрь ойида фосфорли ҳамда калий ўғит, яъни **1 кв.м.га 100-120 г. фосфор 45 г. калий ва 2 кг. органик ўғит** солиниб чопилади.

Янги экилган интенсив боғлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради, 4-5 йили тўлиқ ҳосил бера бошлайди.

Боғларда зараркунанда ва касалликларга қарши қуйидаги кураш чоралари олиб борилади.

Кеч куз ёки эрта баҳорда (мевали дарахтларни ва токнинг куртаги ёзилгунча) 3% бордо суюқлиги билан яхшилаб ишланади.

Баҳорда шира тушиш эҳтимоли бўлса Карбофос 50%, Децис 2,5%, Би-58 40%дан 10 л. сувга 20-30 г. ҳисобидан солиб, яхшилаб пуркалади.

Ёз ойларида ўргимчак кана тушиш эҳтимоли бор бўлса, унга қарши Омайт 57%, Нейрон 50%, Узмайт 57% 10 л. сувга 15-30 г. солиб сепилади.

Томорқада сабзавот, полиз ва картошка етиштириш

Халқимизнинг шахсий томорқаларида 5 муддатларда сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштирса бўлади :

- эрта баҳорда февраль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, то 10 мартгача эртаги картошка, сабзи, оқбошли ва гул карам, пиёз, редис ва барча кўкат сабзавотларни ;

- кеч баҳорда апрель-май ойларида иссиқсевар сабзавотларни кўчати билан помидор, бодринг, ширин қалампир, бақлажон, полиз экинларини ҳаммасини ҳамда ўрта муддатларда етиштирилдиган оқбош карам уруғи билан экилади ;

- эртаги сабзавотлардан ва ғалладан бўшаган ерларга июнь ойида картошка ва карамнинг кеч пишар навлари ҳамда 15 июлгача сабза, ош лавлаги, картошкани ўртапишар ва эртапишар навлари ва бодринг экинлари эилади ;

- ёзнинг охири август ойининг бошида турп, шолғом ва ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб пиёз уруғи сепилади ;

- куз ойининг бошида сентябрнинг ўрталарида саримсоқ пиёз (чеснок) экилади. Гул карамни кўчатини, редис ва барча кўкат сабзавотлар экилади. Кузнинг охири ойида тўқсонбости қилиб, ноябрдан то 10 декабргача пиёз, сабзи, ош лавлагининг эркаклаб кетмайдиган навлари экилади.

Томорқадан мавсум давомида 2-3 марта ҳосил олиш йўллари

Дехқонлар ўз томорқларида аввало эртаги биринчи ва кечки такрорий экинларнинг ҳар қайси турига ҳос қулай муддатларни аниқлаб, ана шу фурсатларга мос навларни тўғри танлаш ва уларни алмашлаб экишдаги ўринларини тупроқ ҳолати, унумдорлиги, бегона ўтлар, зараркунандалар, касалликларга муносабатларига кўра, тўғри режалаштириш 2-3 ҳосиллик учун замин ҳисобланади. Биринчи ва такрорий экинларни жойлаштириш қуйидаги режа асосида бажарилади :

Сабзавот экинларининг экиш муддатлари

Биринчи экинлар		Такрорий экинлар	
Экин муддати	Экин турлари	Экин муддати	Экин турлари
25.02-10.03	Пленка остига оқбош карам + редис	10.06-10.07	Картошка, бодринг, сабзи. лавлаги
25.02-10.03	Гул карам	01.06-20.06	Помидор кўчати билан, бодринг, кабачки, паттисон
25.02-10.03	Пленка тагига картошканинг эртапишар навлари + кўкат сабзавотлар	10.06-10.07	Карам кўчати, бодринг, сабзи, лавлаги, кўкат, сабзавотлар
25.02-10.03 25.11-10.12	С а б з и	10.06-15.07	Картошка, карам, бодринг, помидор, ош лавлаги
25.02-10.03	П и ё з	1-10.08-15.09	Турп, шолғом, саримсоқ пиёз
25.03-10.04	Пленка тагига бодринг кўчати билан	25.07-10.08	Пиёз, гул карам, турп, шолғом, кўкат сабзавотлар
5-15.04	Помидорнинг эрта пишар навлари кўчати билан	20.07-10.08	Гул карам кўчати билан турп, шолғом, редис, кўкат сабзавотлар
25.03-05.04	Пленка остига ковун кўчати билан + эртаги карам кўчати пуштага экилади	10-20.08	Гул карам кўчати, пиёз кўчати билан турп, шолғом
25.03-05.04	Пленка остига тарвузнинг ўртапишар навлари кўчати билан + пушти ўртасига картошканинг эрта пишар навлари экилади	10-20.08	Гул карам, саримсоқ пиёз, кўкат сабзавотлар, сабзининг эрта пишар навлари

Бир мавсумда 2-3 марта ҳосил етиштиришда эртаги экинларга эътибор айниқса, кучли бўлиши керак. Чунки ёзда далани ўз вақтида бўшаганлиги такрорий экинлар ҳосилдорлигини белгилайди. Экиш муддати кечикса, албатта ҳосилдорлик 20-25%гача камаяди.

Эртаги сабзавотлар майдони кузда барвақт шудгорланиб, қиш олдидан эгатлар ҳам тайёрланади. Бу эса эрта баҳорда даланинг тезда етилишини ва экиш ишлари барвақт бажарилишини, натижада ҳосилдорлик юқори бўлишини таъминлайди.

Сабзавотларнинг барвақт етилиши ва юқори ҳосил тўплашидан сабзи, ош лавлаги, пиёзларни жанубий вилоятларда карам кўчатларини “тўқсонбости”, яъни қиш олди муддатида (ноябрь охири – декабрь боши) экиш айниқса самарали агротехник тадбирлардан ҳисобланади. Бу экинларни вақтинчалик шаффоф пленкалар билан тоннел усулида беркитиш ҳосилнинг 3-4 ҳафта барвақт етила бошлашини ва юқори бўлишини таъминлайди.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларида барвақт, сифатли ва юқори ҳосил олиш учун қуйидаги тадбирларга амал қилиш зарур :

1. Сабзавот ва полиз экинлари уруғларини экишга тайёрлашда албатта уларга ишлов бериш зарур. Бу уруғдаги бактериял ва вирус касалликларини йўқ қилади. Ўсимлик соғлом ўсади.

2. Картошка туганакларини “яровизация” ниш чиқартириб кейин экиш керак. Бунда ниҳолларни пайдо бўлиши 15-20 кунга тезлашади.

3. помидор кўчатларини етиштиришда уларни фосфор ўғити билан тўйинтириш, ҳосилдорликни 20-25%га оширади.

4. Экинларга азотли минерал ўғитнинг 20-25%ни экиш олдидан, қолган қисмини тенг иккига бўлиб, кўчатлар тутиб олгандан кейин ва иккинчисини ўсимлик қийғос гуллаганда бериш зарур.

5. Кўчати ёки уруғи билан экилган экинлар эрта баҳорда пленка остида етиштирилса ҳосил 20-25 кун олдин етилади ва умумий ҳосилдорлик ҳам 15-20%га ошади, сувни иқтисод қилади.

6. Экинларни фақат кечқурун 3-4 соат мобайнида кичик меъёрада суғориш ҳам ҳосилдорликни оширади.

7. Иложи бўлса томорқанинг ҳар сотиҳ ерига 3-4 тоннадан чириган гўнг солинса, ҳосилдорлик юқори бўлади ва сифати кескин яхшиланади.

Кузда экиладиган сабзавот экинларини етиштириш технологияси

Сабзавот экинларидан келгуси йили ҳосил олиш учун эрта кузги ва тўқсонбости муддатларда уларни экиш яхши самара беради.

Пиёзнинг эртапишар навларини (Сумбула, Пешпазак) 1-20 сентябрларда уруғи 70 см. ораликдаги эгатларга 2-3 қаторли ёки сочма усулида сепилади. 100 м² ерга 140-150 г. уруғ сарфланади. Уруғ сепилгач тезликда эгатлар суғорилади ва ниҳол пайдо бўлгунча тупроқ нам ҳолда сақланади. Пиёз ниҳоллари 3-4 барг чиқариб олгунча парвариш қилинади. Қиш ойида ниҳоллар ривожланмайди ва баҳорда кунлар исиши билан

ривожланиш давом этади. Пиёз 2 марта ўтдан тозаланади, қатор оралари юмшатилади, минерал ўғит билан озиклантирилади, 3-4 марта суғорилади. Ҳосил жанубий вилоятларда апрель охири – майнинг бошларида, марказий вилоятларда май ойининг охирларида пишиб етилади.

Пиёзни ўғитлаш : 100 м² ерга соф ҳолда 2 кг. азот, 1,5 кг. фосфор ва 0.7 кг. калийли ўғит солинади. Ерни хайдашдан олдин фосфорли ўғитни 75%, калийни 100% солинади. Азотли ўғитни 50% пиёз 1-2 барг чиқарганда, баҳорда фосфорли ўғитни қолган 25% ва азотли ўғитни 50% солинади.

Саримсоқ пиёз шимолий вилоятларда сентябрнинг биринчи ўн кунлигида, марказий вилоятда сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида ва жанубий вилоятларда сентябрнинг ўнинчи ўн кунлигида экилади. Экиш схемаси 70 см. оралик эгатларда 50+20x5 см. 100 м² ерга 10-12 кг. саримсоқ тиши сарфланади. Саримсоқ экилгандан сўнг устига 2-3 см. қалинликда чириган гўнг сепилади ва суғорилади.

Кузда ўсимликларни парвариш қилиш қатор ораларини 15-16 см. чуқурликда 2-3 марта ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш, бир марта минерал ўғит билан озиклантириш ва 3-4 марта сув беришдан иборат. Эрта баҳорда бегона ўтларни ўтоқ қилиб, қатор оралари 2-3 марта юмшатилади, минерал ўғит билан озиклантирилади ва суғорилади.

Саримсоқни озиклантириш муддатлари ва меъёрлари пиёз экини билан бир хил.

Сентябрь ойида редис, укроп, кашнич, сельдерей, петрушка каби кўкат сабзавотларни экиш яхши самара беради. Ушбу сабзавотларни 70 см. ораликдаги эгатларга ёки 1 м. кенликда пол усулида сочма қилиб сепилади.

Редисни эртапишар Лола, Эртапишар, Рубин, укропни Ором, Ўзбекистон, кашнични Орзу, петрушкани Нилуфар, сельдерейни Сербарг навларини экиш тавсия этилади.

Кўкат сабзавотлар ниҳоллар пайдо бўлгандан кейин 30-35 кун ичида ишлатишга яроқли бўлади. 100 м²га уруғ сарфи : редис 100-120 г., укроп, кашнич 15-20 г., петрушка, сельдерей 0,5 г.

Тўқсонбости муддатларда (ноябрь охири декабр бошида) совуққа чидамли сабзавот экинларидан пиёз, сабзи, ош лавлаги, кўкат сабзавот экинларини уруғлари сепилади. Бу муддатда сепилган сабзавот экинларини уруғлари қиши билан унмайди ва қишки ёғингарчиликлар натижасида уруғлар тупроқдаги намликка тўйинади ва ҳаво ҳарорати 4-5⁰С бўлганда уна бошлади. Ҳарорат 18-20⁰С бўлганда тўлиқ унади ва баҳорда экилганга нисбатан ҳосил 20-25 кун эрта етилади.

Ушбу сабзавот экинлари 70 см. эгатларга 2-3 қаторли ёки сочма усулда сепилади. Уруғ сарфи 100 м² майдонга сабзи 60 г., пиёз 160-200 г., ош лавлаги 160 г. экилади.

АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИДА КУЗДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР БЎЙИЧА

ТАВСИЯ

Кузда экиладиган сабзаёт экинларини етиштириш технологияси

Сабзаёт экинларидан келгуси йили ҳосил олиш учун эрта кузги ва тўқсонбости муддатларда уларни экиш яхши самара беради.

Пиёзнинг эртапишар навларини (Сумбула, Пешпазак) 1-20 сентябрларда уруғи 70 см. ораликдаги эгатларга 2-3 қаторли ёки сочма усулида сепилади. 100 м² ерга 140-150 г. уруғ сарфланади. Уруғ сепилгач тезликда эгатлар суғорилади ва ниҳол пайдо бўлгунча тупроқ нам ҳолда сақланади. Пиёз ниҳоллари 3-4 барг чиқариб олгунча парвариш қилинади. Қиш ойида ниҳоллар ривожланмайди ва баҳорда кунлар исиши билан ривожланиш давом этади. Пиёз 2 марта ўтдан тозаланади, қатор оралари юмшатилади, минерал ўғит билан озиклантирилади, 3-4 марта суғорилади. Ҳосил жанубий вилоятларда апрель охири – майнинг бошларида, марказий вилоятларда май ойининг охирларида пишиб етилади.

Пиёзни ўғитлаш : 100 м² ерга соф ҳолда 2 кг. азот, 1,5 кг. фосфор ва 0.7 кг. калийли ўғит солинади. Ерни хайдашдан олдин фосфорли ўғитни 75%, калийни 100% солинади. Азотли ўғитни 50% пиёз 1-2 барг чиқарганда, баҳорда фосфорли ўғитни қолган 25% ва азотли ўғитни 50% солинади.

Саримсоқ пиёз шимолий вилоятларда сентябрнинг биринчи ўн кунлигида, марказий вилоятда сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида ва жанубий вилоятларда сентябрнинг ўнинчи ўн кунлигида экилади. Экиш схемаси 70 см. оралик эгатларда 50+20x5 см. 100 м² ерга 10-12 кг. саримсоқ тиши сарфланади. Саримсоқ экилгандан сўнг устига 2-3 см. қалинликда чириган гўнг сепилади ва суғорилади.

Кузда ўсимликларни парвариш қилиш қатор ораларини 15-16 см. чуқурликда 2-3 марта ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш, бир марта минерал ўғит билан озиклантириш ва 3-4 марта сув беришдан иборат. Эрта баҳорда бегона ўтларни ўтоқ қилиб, қатор оралари 2-3 марта юмшатилади, минерал ўғит билан озиклантирилади ва суғорилади.

Саримсоқни озиклантириш муддатлари ва меъёрлари пиёз экини билан бир хил.

Сентябрь ойида редис, укроп, кашнич, сельдерей, петрушка каби кўкат сабзаётларни экиш яхши самара беради. Ушбу сабзаётларни 70 см. ораликдаги эгатларга ёки 1 м. кенликда пол усулида сочма қилиб сепилади.

Редисни эртапишар Лола, Эртапишар, Рубин, укропни Ором, Ўзбекистон, кашнични Орзу, петрушкани Нилуфар, сельдерейни Сербарг навларини экиш тавсия этилади.

Кўкат сабзаётлар ниҳоллар пайдо бўлгандан кейин 30-35 кун ичида ишлатишга яроқли бўлади. 100 м²га уруғ сарфи : редис 100-120 г., укроп, кашнич 15-20 г., петрушка, сельдерей 0,5 г.

Тўқсонбости муддатларда (ноябрь охири декабр бошида) совуққа чидамли сабзавот экинларидан пиёз, сабзи, ош лавлаги, кўкат сабзавот экинларини уруғлари сепилади. Бу муддатда сепилган сабзавот экинларини уруғлари қиши билан унмайди ва қишки ёғингарчиликлар натижасида уруғлар тупроқдаги намликка тўйинади ва ҳаво ҳарорати 4-5⁰С бўлганда уна бошлади. Ҳарорат 18-20⁰С бўлганда тўлиқ унади ва баҳорда экилганга нисбатан ҳосил 20-25 кун эрта етилади.

Ушбу сабзавот экинлари 70 см. эгатларга 2-3 қаторли ёки сочма усулда сепилади. Уруғ сарфи 100 м² майдонга сабзи 60 г., пиёз 160-200 г., ош лавлаги 160 г. экилади.

Кўчатларни парваришлаш

Экилган кўчатлар вегетация даврида кўчатларнинг атрофлари қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун юмшатиб турилади. Тупроқ шароитига қараб, 10-12 дан 16-20 мартагача сув берилади. Ҳар суғоришдан сўнг тупроқ юмшатилади. Зарурият бўлган вақтда ёш ниҳолларнинг касаллик ва зараркунандаларига қарши ишлов берилади.

Янги экилган кўчатларни дастлабки даврида сув билан таъминлашга катта эътибор бериш зарур. Кўчатлар тўлиқ кўкариб кетиши учун кўчат атрофини айлана шаклида ариқ олиниб, ариқ тўлгунча сув қуйиш лозим ёки ариқ орқали суғорилса, кўчат атрофидан сувни айлантириб ўтказиб суғориш зарур. Об-ҳаво ва тупроқ шароитига қараб ёш боғларга йил давомида 12-20 маротабагача сув берилади. Кўчатлар атрофини қатқалоқ бўлиб қолмаслиги учун ҳар сувдан сўнг 10-12 см. чуқурликда юмшатиб турилади.

Ёш боғларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик даражаси анча паст бўлади. Шунинг учун буларни олдини олиб ёки зарурият туғилган ҳолда кураш чораларини қўллаш зарур.

Шакл бериш

Ўзбекистон шароитида пакана пайвандтагда экилган интенсив боғларда кўчатларга 60 см. юқоридан кесилиб, шакл берилади. Четдан келаётган кўчатларни веретино шаклида, яъни асосий лидер новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилинади, яъни шохлатилади. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохида штамби учун 50 см. қолдирилиб, ундан юқорисига 8-10 кўз қолдирилиб, ундан сўнг яна шип 3 та кўз қолдирилиб, ортиқчаси кесилади.

Келажакда етарли шохлаши учун 50 см. танасидан юқорида жойлашган 3 кўз ойсимон шаклида (кўчат кўчатхонасида шохламаган бўлса) кўзни ўсиши қисмидан кербовка (кесиш) қилинади ва яна учта кўз ташлаб яна учта кўз тўғри чизим шаклида кербовка қилинади. Бу жараёни кўчат яхши ўса бошлаган даврида қилса яхши натижа беради. Шохланган шохлар июль-август ойларида 90⁰ экилади ва боғланади. Ёш ўсган новдаларда мева куртакларини ҳосил қилиш мақсадида улар маълум вақтида чилпиб (чеканка) турилади. Бу усул мева куртакларини кўпроқ ҳосил бўлишини таъминлайди.

Ўғитлаш

Ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмида ҳар бир кўчат атрофига 100-120 г.дан азотли ўғит солинади. Иккинчи марта июнь ойида шунча миқдорда яна азотли ўғит солинади.

Ёш боғлар орасига биринчи йили сабзавот, полиз, картошка экинлари экиш мумкин. Иккинчи йилдан ушбу экинлар экиш тавсия этилмайди. Чунки боғ қатор орасига ишлов берилиши сабабли экинлар экилмайди.

Биринчи йили ёш кўчатлар қишга яхши тайёрланиши боис сентябрь ойининг иккинчи ярмидан суғориш тавсия этилмайди.

Октябрь-ноябрь ойларида ёш ниҳоллар ораси ҳамда кўчатларнинг қатор ораси чопилиб, юмшатилади, бегона ўтлардан тозаланади. Тупроқда намлик яхши сақланади.

Кузда ноябрь ойида фосфорли ҳамда калий ўғит, яъни 1 кв.м.га 100-120 г. фосфор 45 г. калий ва 2 кг. органик ўғит солиниб чопилади.

Янги экилган интенсив боғлар иккинчи йилдан бошлаб ҳосилга киради, 4-5 йили тўлиқ ҳосил бера бошлайди.

Томорқада сабзавот, полиз ва картошка етиштириш

Халқимизнинг шахсий томорқаларида 5 муддатларда сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштирса бўлади :

- эрта баҳорда февраль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, то 10 мартгача эртаги картошка, сабзи, оқбошли ва гул карам, пиёз, редис ва барча кўкат сабзавотларни ;

- кеч баҳорда апрель-май ойларида иссиқсевар сабзавотларни кўчати билан помидор, бодринг, ширин қалампир, бақлажон, полиз экинларини ҳаммасини ҳамда ўрта муддатларда етиштириладиган оқбош карам уруғи билан экилади ;

- эртаги сабзавотлардан ва ғалладан бўшаган ерларга июнь ойида картошка ва карамнинг кеч пишар навлари ҳамда 15 июлгача сабза, ош лавлаги, картошкани ўртапишар ва эртапишар навлари ва бодринг экинлари эилади ;

- ёзнинг охири август ойининг бошида турп, шолғом ва ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб пиёз уруғи сепилда ;

- куз ойининг бошида сентябрнинг ўрталарида саримсоқ пиёз (чеснок) экилади. Гул карамни кўчатини, редис ва барча кўкат сабзавотлар экилади. Кузнинг охирги ойида тўксонбости қилиб, ноябрдан то 10 декабргача пиёз, сабзи, ош лавлагининг эркаклаб кетмайдиган навлари экилади.

Томорқадан мавсум давомида 2-3 марта ҳосил олиш йўллари

Дехқонлар ўз томорқларида аввало эртаги биринчи ва кечки такрорий экинларнинг ҳар қайси турига ҳос қулай муддатларни аниқлаб, ана шу фурсатларга мос навларни тўғри танлаш ва уларни алмашлаб экишдаги ўринларини тупроқ ҳолати, унумдорлиги, бегона ўтлар, зараркунандалар, касалликларга муносабатларига кўра, тўғри режалаштириш 2-3 ҳосиллик учун замин ҳисобланади. Биринчи ва такрорий экинларни жойлаштириш кўйидаги режа асосида бажарилади :

Сабзавот экинларининг экиш муддатлари

Биринчи экинлар		Такрорий экинлар	
Экин муддати	Экин турлари	Экин муддати	Экин турлари
25.02-10.03	Пленка остига оқбош карам + редис	10.06-10.07	Картошка, бодринг, сабзи. лавлаги
25.02-10.03	Гул карам	01.06-20.06	Помидор кўчати билан, бодринг, кабачки, паттисон
25.02-10.03	Пленка тагига картошканинг эртапишар навлари + кўкат сабзавотлар	10.06-10.07	Карам кўчати, бодринг, сабзи, лавлаги, кўкат, сабзавотлар
25.02-10.03 25.11-10.12	С а б з и	10.06-15.07	Картошка, карам, бодринг, помидор, ош лавлаги
25.02-10.03	П и ё з	1-10.08-15.09	Турп, шолғом, саримсоқ пиёз
25.03-10.04	Пленка тагига бодринг кўчати билан	25.07-10.08	Пиёз, гул карам, турп, шолғом, кўкат сабзавотлар
5-15.04	Помидорнинг эрта пишар навлари кўчати билан	20.07-10.08	Гул карам кўчати билан турп, шолғом, редис, кўкат сабзавотлар
25.03-05.04	Пленка остига ковун кўчати билан + эртаги карам кўчати пуштага экилади	10-20.08	Гул карам кўчати, пиёз кўчати билан турп, шолғом
25.03-05.04	Пленка остига тарвузнинг ўртапишар навлари кўчати билан + пушти ўртасига картошканинг эрта пишар навлари экилади	10-20.08	Гул карам, саримсоқ пиёз, кўкат сабзавотлар, сабзининг эрта пишар навлари

Бир мавсумда 2-3 марта ҳосил етиштиришда эртаги экинларга эътибор айниқса, кучли бўлиши керак. Чунки ёзда далани ўз вақтида бўшаганлиги такрорий экинлар ҳосилдорлигини белгилайди. Экиш муддати кечикса, албатта ҳосилдорлик 20-25%гача камаяди.

Эртаги сабзавотлар майдони кузда барвақт шудгорланиб, қиш олдидан эгатлар ҳам тайёрланади. Бу эса эрта баҳорда даланинг тезда етилишини ва экиш ишлари барвақт бажарилишини, натижада ҳосилдорлик юқори бўлишини таъминлайди.

Сабзавотларнинг барвақт етилиши ва юқори ҳосил тўплашидан сабзи, ош лавлаги, пиёзларни жанубий вилоятларда карам кўчатларини “тўқсонбости”, яъни қиш олди муддатида (ноябрь охири – декабрь боши) экиш айниқса самарали агротехник тадбирлардан ҳисобланади. Бу экинларни вақтинчалик шаффоф пленкалар билан тоннел усулида беркитиш ҳосилнинг 3-4 ҳафта барвақт етила бошлашини ва юқори бўлишини таъминлайди.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларида барвақт, сифатли ва юқори ҳосил олиш учун қуйидаги тадбирларга амал қилиш зарур :

1. Сабзавот ва полиз экинлари уруғларини экишга тайёрлашда албатта уларга ишлов бериш зарур. Бу уруғдаги бактериял ва вирус касалликларини йўқ қилади. Ўсимлик соғлом ўсади.

2. Картошка туганакларини “яровизация” ниш чиқартириб кейин экиш керак. Бунда ниҳолларни пайдо бўлиши 15-20 кунга тезлашади.

3. помидор кўчатларини етиштиришда уларни фосфор ўғити билан тўйинтириш, ҳосилдорликни 20-25%га оширади.

4. Экинларга азотли минерал ўғитнинг 20-25%ни экиш олдидан, қолган қисмини тенг иккига бўлиб, кўчатлар тутиб олгандан кейин ва иккинчисини ўсимлик қийғос гуллаганда бериш зарур.

5. Кўчати ёки уруғи билан экилган экинлар эрта баҳорда пленка остида етиштирилса ҳосил 20-25 кун олдин етилади ва умумий ҳосилдорлик ҳам 15-20%га ошади, сувни иқтисод қилади.

6. Экинларни фақат кечқурун 3-4 соат мобайнида кичик меъёрада суғориш ҳам ҳосилдорликни оширади.

7. Иложи бўлса томорқанинг ҳар сотиҳ ерига 3-4 тоннадан чириган гўнг солинса, ҳосилдорлик юқори бўлади ва сифати кескин яхшиланади.

Кузда экиладиган сабзавот экинларини етиштириш технологияси

Сабзавот экинларидан келгуси йили ҳосил олиш учун эрта кузги ва тўқсонбости муддатларда уларни экиш яхши самара беради.

Пиёзнинг эртапишар навларини (Сумбула, Пешпазак) 1-20 сентябрларда уруғи 70 см. ораликдаги эгатларга 2-3 қаторли ёки сочма усулида сепилади. 100 м² ерга 140-150 г. уруғ сарфланади. Уруғ сепилгач тезликда эгатлар суғорилади ва ниҳол пайдо бўлгунча тупроқ нам ҳолда сақланади. Пиёз ниҳоллари 3-4 барг чиқариб олгунча парвариш қилинади. Қиш ойида ниҳоллар ривожланмайди ва баҳорда кунлар исиши билан

ривожланиш давом этади. Пиёз 2 марта ўтдан тозаланади, қатор оралари юмшатилади, минерал ўғит билан озиклантирилади, 3-4 марта суғорилади. Ҳосил жанубий вилоятларда апрель охири – майнинг бошларида, марказий вилоятларда май ойининг охирларида пишиб етилади.

Пиёзни ўғитлаш : 100 м² ерга соф ҳолда 2 кг. азот, 1,5 кг. фосфор ва 0.7 кг. калийли ўғит солинади. Ерни хайдашдан олдин фосфорли ўғитни 75%, калийни 100% солинади. Азотли ўғитни 50% пиёз 1-2 барг чиқарганда, баҳорда фосфорли ўғитни қолган 25% ва азотли ўғитни 50% солинади.

Саримсоқ пиёз шимолий вилоятларда сентябрнинг биринчи ўн кунлигида, марказий вилоятда сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида ва жанубий вилоятларда сентябрнинг ўнинчи ўн кунлигида экилади. Экиш схемаси 70 см. оралик эгатларда 50+20x5 см. 100 м² ерга 10-12 кг. саримсоқ тиши сарфланади. Саримсоқ экилгандан сўнг устига 2-3 см. қалинликда чириган гўнг сепилади ва суғорилади.

Кузда ўсимликларни парвариш қилиш қатор ораларини 15-16 см. чуқурликда 2-3 марта ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш, бир марта минерал ўғит билан озиклантириш ва 3-4 марта сув беришдан иборат. Эрта баҳорда бегона ўтларни ўтоқ қилиб, қатор оралари 2-3 марта юмшатилади, минерал ўғит билан озиклантирилади ва суғорилади.

Саримсоқни озиклантириш муддатлари ва меъёрлари пиёз экини билан бир хил.

Сентябрь ойида редис, укроп, кашнич, сельдерей, петрушка каби кўкат сабзавотларни экиш яхши самара беради. Ушбу сабзавотларни 70 см. ораликдаги эгатларга ёки 1 м. кенликда пол усулида сочма қилиб сепилади.

Редисни эртапишар Лола, Эртапишар, Рубин, укропни Ором, Ўзбекистон, кашнични Орзу, петрушкани Нилуфар, сельдерейни Сербарг навларини экиш тавсия этилади.

Кўкат сабзавотлар ниҳоллар пайдо бўлгандан кейин 30-35 кун ичида ишлатишга яроқли бўлади. 100 м²га уруғ сарфи : редис 100-120 г., укроп, кашнич 15-20 г., петрушка, сельдерей 0,5 г.

Тўқсонбости муддатларда (ноябрь охири декабр бошида) совуққа чидамли сабзавот экинларидан пиёз, сабзи, ош лавлаги, кўкат сабзавот экинларини уруғлари сепилади. Бу муддатда сепилган сабзавот экинларини уруғлари қиши билан унмайди ва қишки ёгингарчиликлар натижасида уруғлар тупроқдаги намликка тўйинади ва ҳаво ҳарорати 4-5⁰С бўлганда уна бошлади. Ҳарорат 18-20⁰С бўлганда тўлиқ унади ва баҳорда экилганга нисбатан ҳосил 20-25 кун эрта етилади.

Ушбу сабзавот экинлари 70 см. эгатларга 2-3 қаторли ёки сочма усулда сепилади. Уруғ сарфи 100 м² майдонга сабзи 60 г., пиёз 160-200 г., ош лавлаги 160 г. экилади.